ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАР ТАРИХИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

С. Мамажонов

В статье в историографическом аспекте освещены аграрные реформы в сельском хозяйстве Узбекистана, последовательно проводимые с приобретением независимости, и их этапы развития.

When Uzbekistan reached its in dependence,the agricultural reforms of agrarian researching step by step in the histori lerning is given in this article.

Мамлакатимиз тарихининг янги даври – истиқлол даври тарихини ўрганишда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган ислоҳотларни тадқиқ этиш тарихшуносликнинг муҳим масалаларидан эканлиги шубҳасиз. Чунки янги давр моҳият эътибори билан кўламли ислоҳотлар давридир. Жумладан, аграр соҳадаги ислоҳотлар жараёнини ёритишнинг муҳимлиги мамлакатимиз иқтисодиётида аграр сектор муҳим ўрин тутиши билан ҳам долзарблик касб этади. Зеро, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 30 фоиздан ортиқни ташкил этади. Иқтисодий фаол аҳолининг 41 фоиздан ортиғи аграр секторда банд, 65 фоиздан ортиқ аҳоли қишлоқларда яшайди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 17546.8 минг гектарни ташкил қилиб, ундан 3221.0 минг гектари ҳайдаладиган ерлардан иборат. Суғориладиган ерлар 82 фоизни ташкил этади. Мухтасар зикр қилинган маълумотларнинг ўзиёқ масаланинг долзарблигини етарли даражада далиллайди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг аграр ислоҳотларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг самарали шакллари: **оилавий пудрат ва ижара пудратига асосланган ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари** танлаб олинди. 1990 йилда фермер хўжаликларининг сони 6561 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб 90000 дан ортиб кетди. Суғориладиган ерларнинг 1/3 қисми фермерлар ихтиёрида эди. Деҳқон хўжаликлари эса 3 миллиондан ортиқни ташкил этди. Республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 71%, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нинг 33% и деҳқон ва фермер хўжаликларига, ички товар айланмасининг 80% и, мамлакат валюта тушумининг 38% и қишлоқ хўжалигига тўғри келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони асосида паст рентабелли ва истиқболсиз 1020 та ширкат хўжаликлари фермер хўжалигига айлантирилди. Маълумки, ҳозирги кунга келиб ширкат хўжаликлари тўла тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Албатта, мустақилликнинг дастлабки йилларидан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар йўлининг танлангани бежиз эмас эди. Зеро, узоқ йиллар давомида юртимизга хом ашё базаси сифатида қараган ва шундан келиб чиқиб яккаҳокимлиги сиёсатини юргизган шўро давридан бизга аграр соҳада жуда кўп ўткир муаммолар мерос қолдирилган эди. Натижада ислоҳотларни амалга ошириш қанчалик зарур бўлса, йиллар давомида тўпланган муаммоларни бартараф этиш ҳам шунчалик заруратга айланган эди. Яъни аграр соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан бирликда олиб борилишини талаб қиларди. Тадқиқотларимиз ўрганилаётган даврда аграр соҳадаги мавжуд муаммолар ислоҳотларнинг қуйидаги мақсадларга қаратилишини зарурат қилиб қўйди:

Ердан, аввало, унинг ҳайдаладиган қисмидан самарали фойдаланиш ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш.

ув хўжалиги фаолиятини такомиллаштириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кам сув талаб қиладиган технологияга ўтиш.

Илмий асосланган химиялаштиришга ўтиш, биоусулдан кенг фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини юксалтириш, уни ишлаб чиқариш воситаларининг энг самарали турлари билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Чорвачилик ем-хашак базасини ривожлантириш, чорва тузилишини, наслини яхшилаш, тезкор омиллардан фойдаланиб, маҳсулдорликни кўпайтириш ва бошқалар.

Мазкур мақсадларга қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин эди. Буни назарда тутган республикамиз раҳбарияти стратегик жиҳатдан энг тўғри йўлни тутиб, ерга эгалик ҳиссини уйғотиш масаласини биринчи ўринга қўйди. Агар янги тарихимизга назар солинса, аграр соҳадаги ислоҳотлар, хусусан, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини шакллантириш масаласи режали асосда, изчиллик билан амалга ошириб борилганини кўриш мумкин. Жумладан, қишлоқ хўжалигида аввалига оилавий пудрат, ижара пудрати, ширкат хўжалиги таркибидаги деҳқон-фермер хўжаликларининг ташкил қилингани, шундан кейингина фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйгани бунинг ёрқин далилидир. Хуллас, ўтган давр мобайнида аграр соҳадаги ислоҳотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бироқ бу қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммолар тўла ҳал қилинди дегани эмас: ўтмишдан мерос муаммоларнинг қолдиқлари ҳам, янгидан юзага келган муаммолар ҳам мавжуд ва, табиийки, уларни ҳал қилишучун ҳали кўп вақт ва куч керак бўлади. Соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда аграр соҳада ўз ечимини кутаётган

муаммолар жуда кўп бўлиб, улардан айримларини келтириб ўтамиз:

- Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва харажатларнинг юқорилиги сабабли аграр секторни капитал (техника, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит, ёнилғи ва ҳоказо) билан таъминлашни яхшилаш учун **катта миқдорда инвестиция жалб қилиш**;
- Меҳнат унумини икки баравар ошириб, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни бошқа соҳаларга кўчирганимизда ҳам 1 млн. дан ортиқ киши учун янги иш жойларини ташкил этиш зарур бўлади.
- Ҳосилдорликнинг пастлиги. Саноқли хўжаликларни ҳисобга олмаганда, кўплаб фермер хўжаликларида пахта, донли экинлар, сабзавотчилик ва боғдорчиликда ҳосилдорлик пастлигича қолмоқда.
- Сув ресурсларидан фойдаланишда ҳам муайян камчиликлар мавжуд. Ҳозирда мамлакатимизда бир гектар ерга ўртача 14000 кубометр сув сарфланади. Бу кўрсаткич ирригация самарадорлиги юқори бўлмаган Ҳиндистон, Покистон, Миср мамлакатларидан ҳам паст.
- Кўпчилик хўжалик раҳбарлари, жумладан, фермер хўжаликларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг эскича иш юритиш қолипидан батамом қутула олмаётганликлари.

Дарҳақиқат, ўтган давр тажрибаси шуни аён кўрсатадики, фермер ва деҳқон хўжаликлари хўжалик юритишнинг самарали шаклларидир. Ва хўжалик юритишнинг ушбу шакллари самарали фаолият юритиши учун барча шароитлар, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳал қилинди. Шунга қарамай, вилоят ва туманлар доирасида ҳали муаммолар жуда кўп. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ўз вақтида давлатимиз томонидан соҳага оид қонунлар қабул қилинди, ҳукумат қарорлари ва уларни амалга ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, шулар асосида зарур чора-тадбирлар режали равишда амалга ошириб борилмоқда. Ўрганилаётган даврда булар орқали сезиларли натижаларга эришилгани ҳам барчага маълум. Шундай бўлса ҳам, ислоҳотларни амалга ошириш давомида юзага келаётган муаммолар, кўзга аниқ ташланиб қолаётган имкониятлар борки, муаммоларнинг ҳал этилиши ва имкониятларнинг рўёбга чиқарилиши самарали натижалар беради. Бу борадаги айрим мулоҳазаларимизни биз Андижон вилояти мисолида кўриб ўтмоқчимиз.

Маълумки, вилоятимизда 2006 йилнинг охирида ширкат хўжаликларининг энг охиргилари тугатилиб, ёпиқ тендер асосида фермер хўжаликларига айлантирилди. Яъни, бунда фақатгина ширкат хўжалиги аъзолари ёки ширкат хўжалигининг пайлари эгаларигина танловда иштирок этдилар. Бу ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, аввал бошида баъзи лойиҳалар бўйича **аризалар миқдори 1 та, 2 тани ташкил этди. Умуман ариза тушмаган лойиҳалар ҳам бўлди.** Вилоят ҳокимлиги томонидан қайта ташкил этиш комиссияларига кўмак сифатида тарғибот гуруҳлари тузилиши орқали барча лойиҳалар бўйича етарлича аризалар топширилишига эришилди. Муаммо шундаки, ўзига ишонмасдан ариза топширган, моддий ва малака жиҳатдан етарлича бўлмаган мулкдорларнинг келгусида бир текис иш юритишларига ишониш қийин. Асосий мақсадимиз қишлоққа саноатни яқинлаштириш экан, **инвестиция қўйишга қодир бўлган, малакали тадбиркорларнинг фаолиятига эркинлик яратиш** зарур.

Юқоридаги ҳолатни бартараф этишда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари (ДФХУ) нинг зиммасига жуда катта вазифалар юкланади. Ташкил этилишидан кўзда тутилган мақсаддан келиб чиқсак, туманлардаги ДФХУ қошида малакали агрономлар, инженерлар, ҳисобчилар, иқтисодчилар ва ҳуқуқшуносларнинг иш юритишлари ҳамда **шартнома асосида уюшма таркибидаги барча фермерларга фаолиятларига тааллуқли йўриқ ва маслаҳатлар бериб боришни ташкил қилишлари** зарур. Бироқ ушбу уюшмалар амалда кўзда тутилган мақсадга мувофиқ иш юритмоқда дейиш қийин. Аксар ҳолларда улар ўз фаолияларини гўё "қўшимча раҳбарият", бошқарув тизимининг бир узви сифатида тушунмоқдалар. Ҳолбуки, улар ўз вазифаларини фермерларга хизмат кўрсатиш деб тушунишлари керак. Бунинг учун эса улар ўз фаолиятини шундай ташкил этишлари зарурки, фермерлар улар билан ҳамкорлик ҳар томонлама фойдали бўлишини ҳис қилишлари зарур. Масалан, ДФХУ қошида фермерлар учун амалдаги қонунчилик ва бозор иқтисодиёти асосларини қамраб олувчи ўқув курслари ташкил қилиниши керак. Бу ерда **курсларнинг сифат жиҳатига кўпроқ эътибор қаратиш** лозим. Токи фермер шу курсларда олган билимларини ўз фаолиятида реалл қўллай олсин, ундан наф кўрсин. Амалда эса бундай курсалар кўпроқ ҳисобот учун, хўжакўрсинга ташкил этилади, натижада фермер ўзининг вазифасини курс учун тўловни амалга оширишдан иборат деб билади, холос. Ҳолбуки, фермер агротехника янгиликларидан, селекция ва уруғчиликдаги ютуқлардан, соҳага оид ёки солиқ қонунлардаги янгиликлардан хабардор қилиб борилса, курслар шу мақсадга мувофиқ ташкил қилиниб, юқори малакали мутахассислар жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир муаммо минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари таъминоти билан боғлиқ. Амалдаги тартибга кўра фермер хўжаликларига тегишли ер майдонларининг банитет баллари ва ҳосилдорлигидан келиб чиқиб фондлар ажратилади, лекин ажратилган ўғитлар кўп ҳоларда давлат аҳамиятига молик пахта ва ғалла экинлари учун ҳам тўлиқ етказиб берилмайди. Ажратиладиган фондларни тегишли ташкилотлар томонидан **қайта кўриб чиқиш ва ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш** зарур. Ушбу муаммони ҳал қилиш борасида, масалан, фермерларга ажратилган фонддан ташқари эҳтиёжлари учун керакли ўғитни биржа савдолари орқали эркин бозор нархларида сотиб олиш механизми яратилди. Лекин бунда ҳам кўриб чиқилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд. Жумладан, фондларни ажратишда такрорий экинлар, сабзавот, боғдорчилик эҳтиёжлари ҳисобга олинса, ердан унумли фойдаланиш йўлида дадил олға қадам бўлади.

Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминотида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларидан нефть маҳсулотлари Ахтачи ва Гурунчмозор нефтебазаларига улгуржи келиб тушади. Аҳоли эҳтиёжлари учун вилоят-нинг хоҳлаган чекка нуқтасида ҳам АЁҚ-

Шлар бўлганидек, фермерлар учун ҳам туманлардаги ҳолатдан келиб чиқиб **нефтебаза шахобчаларини ташкил этиш** транспорт ҳаражатларини камайтирган бўлур эди. Шу билан бирга, фермерлик ҳаракатини қўллаб қувватлаш учун ҳозирда амалга киритилган ёқилғи-мойлаш маҳсулотларига қўшимча қиймат солиғи масаласини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалиги техникаси таъминоти ҳам фермерлар учун ўта муҳим ва кўп маблағ талаб қиладиган соҳадир. Шунинг учун бу масалага ҳукуматимиз томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир туманда машина-трактор парклари ва муқобил МТПлар фаолият кўрсатади. Кредит ва лизинг муносабатлари шакллантирилган. Бу ерда кўпроқ **фермернинг манфаатдорлигини кучайтиришга** урғу бериш керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фермер хўжаликларида кичик трактор ва кичик қишлоқ хўжалиги машиналари, улар учун керакли агрегатлар (масалан, осма плуг, чизел-култиватор, фреза, борона, сеялка, дори пуркагич ва х.к.)нинг етишмаслиги, бу соҳада **маркетинг тамойилларига амал қилинмаслиги муаммосининг** мавжудлигини кўрсатади. Таъкидлаганимиздек, техник воситалар таъминоти мураккаб. Шунинг учун жойлардаги фермерларнинг бу борадаги фикр-истакларини мунтазам ўрганиб бориш ва шу асосда ҳукумат даражасида амалга оширилиши керак бўлган ишлар бўйича таклифлар киритиш зарур.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар аграр соҳада амалга оширилган ислоҳотларни тарихшунослик аспектида ўрганиш асосида юзага келди. Бу эса сўнгги йилларда изчил давом этаётган жараёнларни тарихий ривожланишда ўрганишнинг муҳимлигини кўрсатади. Чунки тарих, жумладан, энг янги тарих ҳам ўзига хос мактаб, демак, ундан ўринли сабоқ чиқарилса, эртанги кунимиз учун ҳамиша фойдали бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги идоравий архиви йиғмажилди.- 1999-2004
2. Давлат статистика қўмитаси Андижон вилоят бошқармаси маълумотлари.- 1999-2004
3. Ўзбекистон Ресмубликаси Фермер хўжаликлари уюшмаси идоравий архиви маълумотлари.- 1999-2004

Андижон давлат университети
2011 йил 6 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)